

237 - وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: تَهَاهُمُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْوِصَالِ رَحْمَةً لَهُمْ، فَقَالُوا: إِنَّكَ شَوَّاصلٌ؟ قَالَ: «إِنِّي لَسْتُ كَهِيئِتُكُمْ، إِنِّي يُطْعِمُنِي رَبِّي وَيَسْقِينِي». مُتَفَقُّ عَلَيْهِ. وَمَعْنَاهُ: يَجْعَلُ فِي قَوَّةٍ مَنْ أَكَلَ وَشَرَبَ.

237. У кишидан ривоят қилинади:

«Набий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга (саҳобаларга) раҳм қилиб, узлуксиз рўза тутишдан қайтардилар. Шунда улар: «Ўзингиз узлуксиз рўза тутасиз-ку», дейишди. У зот: **«Мен сизларнинг ҳолатингиздагидек эмасман. Мени Роббим едириб-ичиради»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ифторлик қилмасдан узлуксиз рўза тутиш қораланган. Бунга кўпгина ҳадислар далолат қиласди.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анхудан ривоят қилинади.

Расулуллоҳ с.а.в.: **«Кимки узлуксиз рўза тутса, умуман рўза тутмабди»**, деганлар.

Ином Бухорий ва Муслим ривояти.

Абдуллоҳ ибн Иёз ривоят қиласди: «Башир ибн Ҳасосийнинг хотини Лайло ҳикоя қилганини эшитдим: «Кунларнинг бирида мен икки кун кетма-кет

рўза тутгим келди ва Башир менга бундай қилишни ман қилиб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан қайтарар ва: **«Насоролар шундай қиладилар. Сиз эса Аллоҳ сизга буюрганидек рўза тутинглар: «Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар!»** (Бақара сураси, 187-оят). **Қачонки кеча бўлганида рўза тутманглар»,** деб айтганлар», деди.

Бироқ кимдир шундай рўза тутишни истаса ва ўзида бунга куч хис қиласа, бундай ҳолда у суткада ҳеч бўлмаса бир маротаба субҳдан олдин ифторлик қилсин.

Абу Саид розияллоҳу анхудан ривоят қилинади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитган эканлар: **«Узлуксиз рўза тутманглар. Кимки шундай қилишни истаса, кейинги куннинг субҳидан аввал ифторлик қилсин»**

Имом Бухорий ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

